

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ЛИРИКАДА МОДЕРН ИФОДА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Норов Отажон,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) КДУ
тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада модернизм шеъриятнинг шаклий-услубий, гоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Жумладан, XX аср интиҳоси ва янги аср остонасида юзага келган бадиий тафаккурдаги мисли кўрилмаган ўзгаришлар фалсафий қамров даражасини тубдан ислоҳ қилиши имконини берди. Натижада шеър ва шоирлик улкан масала, масъулият эканлиги борасида атрофлича мушиҳада юритилди.

Таняч сўзлар: модернизм, сўз, руҳ, поэтика, моддият, фалсафа, структура, ахлоқ, композиция, кечинма.

ОРИГИНАЛЬНОСТЬ СОВРЕМЕННОГО ВЫРАЖЕНИЯ В ЛИРИКЕ

Норов Отажон,
доктор философии по педагогическим наукам, соискатель КГУ

Аннотация: В статье рассматриваются формально-методологические, идеально-художественные особенности модернизмской поэзии. В частности, беспрецедентные изменения в художественном мышлении, произошедшие в конце XX века и накануне нового века, позволили коренным образом реформировать уровень философского освещения. В результате было подробно отмечено, что поэзия и быть поэтом - это огромная проблема, ответственность.

Ключевые слова: модернизм, слово, дух, поэтика, материальность, философия, структура, этика, композиция, опыт.

MODERN EXPRESSIVE PECULIARITIES IN THE LYRICS

Norov Otajon
Doctor of Philosophy on Philological Sciences (PhD), researcher of
KarSU

Abstract: This article deals with the formal-methodological, ideological-literary features of Islamic poetry. In particular, the unprecedented changes in artistic thinking that took place at the end of the twentieth century and on



the eve of the new century made it possible to radically reform the level of philosophical coverage. As a result, it was observed in detail that poetry and being poet is a huge issue and a responsibility.

Key words: word, spirit, poetry, materialism, philosophy, structure, ethics, composition, experience.

Даврлар ўзгариши билан инсоният бадиий тафаккур шакли ҳам янгилана боради. XX аср ўзбек шеърияти ўз-ўзидан шу ҳолатга, сифат ўзгаришларга юз тутган шунчаки ҳодиса эмас! Унинг илдизлари Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Хоразмий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий сингари тафаккур соҳиблари яратган ноёб дурдоналарга бориб туташади. Бу икки дарё оралиғида кечган қарийб минг йиллик ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёт сарчашмалари бадиий тафаккур миқёсларини мисли кўрилмаган даражада кенгайтириб юборди. Проф.И.Ҳаққулов адабий сұхбатларининг бирида шундай эътироф этган эди: “Модернизм Аҳмад Яссавийдан бошланиб, Чўлпон ижодида такомиллашиб, Рауф Парфида муқаммллашиб, истиқлол даврида ўзининг ҳақиқий йўлини топган эди. Мана шу ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон инкор қилиб бўлмайди”(Таъкид бизники – О.Норов). Таъкидлаш жоизки, “Модернизм шу маънода янги нарса эмаски, у ўтмишдаги бирон бир анъанага гўёки таянмайди, десак тўғри бўлмайди. У тубдан янги, шу маънода янги эмаски, у ўтмишдаги бирон бир анъанага гўёки таянмайди, десак тўғри бўлмайди. У тубдан янги, шу даражада “модерн” эмаски, бошқа замонларда, бошқа мамлакатларда яшаб ўтган бошқа санъаткорлар ўз асарларини ҳозирги модерн санъаткорлари амал қиласидиган принципларга таяниб яратган эмас, десак бу ҳам тўғри бўлмайди. Импрессионистлар биринчи асарларини яратгандан сўнг юз йил ўтгандан кейин бугунги санъат воқеликни бутунлай бошқа қабул қилишга асосланган ва бу муайян вақт обайнида Ғарб маданиятида ҳукумрон бўлган принциплардан мутлоқо фарқ қиласиди.деб англаш қонуний ҳодиадир. Нима учун бугун модернизм кўпларнинг нафратига сазовор бўлмаётганини изоҳлайдиган сабаб ана шунда, лекин бу сабаб асосли эмас. Ўзининг дунё ҳақидагит кўницилган тасаввурларига икки кўллаб ёпишиб олган одамларгина янги санъатни тушунишга, унинг моҳиятига кириб боришга бўлган ҳар қандай интилишдан қатъиян бўйин товламоқлари мумкин” . Бинобарин, янги давр шеърияти туб илдизлари ўзидан олдинги анъаналарни теран синтезлади, шакл, жанр, услугб поэтик бирликларни ўзлаштиради. Дунёни янгича кўришга интилган шоир салафлардан кам бўлмаслик учун тинимсиз меҳнат, аччиқ тажриба, омадсиз қисмат қаршисида – йўл босиб ўтди. Баъзан жамият ундей ноёб истеъодларни тушунишни сира хоҳлашмади. Шунинг учун ҳам жамиятда шоир зоти ҳеч бир

даврда алоҳида бир шахс сифатида мукаммал қараган сиёсий арбобнинг ўзини топиш амримаҳол. Эзилган, хўрланган, кўчага қувилган ноёб истеъдодлар ботинида улгайган изтиробларни тинимсиз тажриба ва эксперимент лентасига тизиб кўришга ҳаракат қилди, уринишлар бесамар ҳам кетмади, жамиятга кўниши борасида эса уларни шахсий омадсизликлар ҳам кутиб турарди. Бундай пайтда даврнинг ҳар қандай истеъоди йўлсизлиқдан – йўл топди. Чорасизлиқдан – чора топди. Айни шу жиҳатлар уларни Ягона бир Бор қудрати қаршисида соғлом эътиқод билан тавба тазарру қилишга бўйинсундирди. Тазаррунинг орқасида келадиган тозаришлар ҳар қандай модернистни исломий ғояларни ич-ичидан англаб етишга етаклади. Қарабисизки, ҳар қандай даврнинг ўз ижодий концепцияси ҳақиқий шоирга бир дам тинчлик берган эмас. Адабиёт гуллаб-яшнаган, ўзининг ҳар қандай жанрида оламни қонунларини сингдириб, худди бир ибратли ҳадис сингари шахсни камолот сари етаклайдиган даражада ирода ва матонатни ўзида сингдириди. Мана шу ҳаётнинг олтин қоидаси, асрлар давомида ранг-баранглашиб бораётган шеъриятни XX аср тубдан ислоҳ қилишга кенг имкон туғдирди.

XX аср бошларида Чўлпон бошлаб берган шаклий-услубий изланишлар 60-йилларга келиб Рауф Парфи, 90- йиллар охирида Баҳром Рўзимуҳаммад, Фахриёр, Вафо Файзулло, Салим Ашур, Улуғбек Ҳамдам, Зебо Мирзо, Гўзал Бегим, Қаҳҳоржон Йўлчиев, Нелуфар Умарова, Ойдиннисо каби қатор ижодкорларнинг поэтик изланишларида янада яққол бўй кўрсата бошлади. Мазкур анъанада модерн бағрида исломий ғояларнинг юзага келиши айни муддао эди. Аҳмад Яссавийдан бошланган ўзбек шеъриятида модернизм ҳодисаси – Бир Бор Аллоҳни таниш, Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларига сўзсиз итоат этиш, ислом динини қувватлантириш, жамиятдаги разил иллатлардан йирокда бўлиш, ҳақиқий мусулмон бўлиб ҳаёт кечиришга даъваткор манзумалар айни шу мақсадда яратилгани бежиз эмас:

Тинмайин мен ҳасратингда оллоҳ десам,
Зор инграбон зокир бўлиб, раббим десам.
Кули бўлиб, қуллиғингда буйин синсам,
Бу иш бирла, ёраб, сени топқайғумен.

Зикриёдек бу бошимға арра қуйсам,
Айюбдек (ҳам) бу танимға қуртни солсам.
Мусодек (ҳам) Тур тоғида тоат қилсам,
Бу иш бирла, ёраб, сени топғаймумен?

Мазкур ҳикматнома шеърда Яссавий даврида исломга қарши жуда кўплаб фитналар, ёлғон йўл бошловчилар, дин душманлари бўлган.

Мухаммад (с.а.в) йўли нотўғри эканлигини кўрсатувчи ҳар хил разил тўдалар пайдо бўлган. Фисқу фасод урчиган бир даврда Қуръон оятларини, Ҳақ таоло ҳукмини шеърий йўсинда ҳалққа етказиш, оддий саводи йўқ оломонни тўғри йўлга бошлаш учун ҳам шундай иш кўргани бежиз эмас. Айниқса, Яссавия тариқати – инсонни мънан ва руҳан комил инсон бўлиб вояга етишини таъминловчи Аллоҳ йўлдаги жидду жаҳдни қўлловчи бир йўл бўлганки, уни кўпчилик қабул қилган. Мана шу тўртлиқда ҳам Аллоҳни таниш ва унинг Фармонига сўзсиз итоатда бўлишга ўзгаларни ҳам даъват қилиш кўзда тутилади. Айтиш жоизки, Яссавия тариқати моҳиятида Аллоҳни билишликнинг ҳам ўзига хос йўллари бўлади. Бу йўлнинг бошида ҳам ўртасида ҳам охирида ҳам – инсоннинг руҳи ва амали, нияти пок бўлиши лозим. Кейинчалик XV аср ўрталарига келиб Навоий ўзидан олдинги салафларига эргашиб, улардан тамомила бошқача услубда Қуръон оятларини чукур билиб, ўрганиб, хилма-хил жанрда асарлар ёзган. Бу ёзганларининг барчасида Ягона Аллоҳ ҳамд этилади. Қайси бир ғазали, достони, насрой асарини олиб кўрсанг Аллоҳни таниш – ўзликни таниш билан баробар эканлиги яққол намоён бўлади. Айниқса, шуларни инобатга олиб, ҳаёт йўлини тўғри йўлга бошлаш масаласи ҳам чукур ўйлашга ундаиди. “Лисон уттайр” достонининг муқаддимасида Навоий шундай ёзади:

Кўкни тун кундин муламма айлади,
Мехру анжумдин мурасса айлади.

Ойни қўк тирноғидан қилди мисол,
Олғон ул тирноғ бир ёндин ҳилол.

Навоий даҳосининг бу ерда Аллоҳ таолонинг қудратини, оламларни кун ва тунни яратиб қуёш ва ойни унга чароғон қилиб қўйишини, унинг улуғлигини шу қадар жозибадор сифатлайдики, буни ботин кўзи билан англаш жоиз. Ҳақ таоло қудратидан бир сифат арзимаган аъзо саналадиган тирноқдан ойни яратиши, Аллоҳнинг қанчалик буюк қудрат эгаси эканлигини гўзал ўхшатишлар орқали ифодалайди. Навоийни юрагини ва қалбини ларзага солади. Бутун оламларнинг эгаси Парвардигор бу қўк гумбазни ўз қудрати илиа чароғон қилишини далолатлайди.

Исломий ғояларнинг янгича талқини Мирзо Бобурнинг ҳар бир шеърида, рубоийсида ўзига хос тарзда жилваланади. Мана бу шеърида ҳам унинг ажиб бир гўзаллигини кўришимиз мумкин:

Ҳаммомки, то маскани жонона эмиш,
Анда парилар хусниға девона эмиш.
Ул худ паридур, борча мулозимлар ҳам,
Алқиссаки: ҳаммом парихона эмиш!

Бобур ушбу рубоийсида шундай мазмунни кашф қиласы, бутун одамзод амаллари ва ниятлари билан пок бўлиб жаннат васлига ошиқади. Жаннатга кириш учун яшайди, умр кечиради. Жононларнинг маскани ҳамом бўлса, у ерда жононлар хуснига парилар девона, ҳатто мулозимлар ҳам, ва, ниҳоят ҳамом парихона эмиш деганида катта ҳикмат бор. Одам пок бўлиб тавба тазарру қилиб гуноҳларини ювиб жаннатга киради. Жаннатда ҳамма бегуноҳлар бўлади. Бу бегуноҳлик замирида фаришталар уларга хизмат қиласи. Хуснига мубтало бўлади. Жаннат оппоқ нурдан иборат ҳаммаси парилар шу ерда жам эканлигига рамзий ишора қилинмоқда. Бобур закий шоир бўлган. Унинг тафаккур миқёслари, бу олам ҳақидаги билимлари нақадар ўткир эканлигини билиш мумкин. Мана шу биргина рубоий замирида катта романлару достонларнинг юки бор. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: дунёга келган инсон нима қилмоғи керак? Унинг ҳар бир амали, нияти, қадами ва мақсадлари жаннатга ошиқиш эмасми? Ана шу концепция илсомий шеъриятнинг туб концепциясини билдиради.

Бобурдан кейин энг кўп исломий ғояларни ўзининг дилбар газалларида тараннум этган шоирлардан бири Машраб ижодида бу концепция янада ўзига хослик касб этади.

Онқадар нурга тўлибман – осмонга сифмадим,
Тоқи Аршу Курсию Лавҳу жинонга сифмадим.

Кимга соям тушса, бир нури яқин, бўлди у ғам,
Дафтари рухи қудсдурман, забонга сифмадим.

Жаннату кавсар маним, ҳам дўзаху сақар маним,
Бир ўзимдурман бу дам, ҳафт осмонга сифмадим .

Машраб Аллоҳни таниб, ўзлигини англаб шу қадар нурга тўлиб кетибманки, ҳатто ер юзига сифмаганлигини идрокламоқда. Ким менинг олдимга яқин келса, унинг ҳам ғами менини каби бўлиб қолди. Машраб мана шу ўринда ҳаётнинг жуда чигал масалаларига аниқлик киритади. Арши аълодан ёзадиган дафтарга ҳам сифмай қолади. Шунингдек улар ҳақида гапириб берувчи забонга ҳам сифмай қолишини иқрор бўлиб баён қиласи. Жаннатнинг кавсар сувига ҳам ташнаман, дўзахнинг оловига ҳам ташнаман деб, ўз иқрорини тан оляпти. Машраб ижодида Ҳақни таниш ва уни улуғлаш жуда чуқур маъно касб этади. Шоир ўзини олдинги салафлари каби “туфроқ бўлғил” сатрига монанд келади. Мана шу сатрлар шоир ижодий концепциясининг ҳаққоний манзарасидир.

“Шеър дейилганда биз вазнга бўйсинтерилган қофия тизмасини тасаввур килишга ўрганиб қолганмиз. Шунинг учун қофиясиз шеърларни ҳамиша ҳам ҳазм қилавермаймиз: гўё қофиясиз ёзаётганлар

ўзини замонавий кўрсатишига уринаётган адабий олифталардек таасурот қолдиради. Балки, шеърда шакл ва мазмун ўзгаришига дуч келсак, дарров “модернист” деган “тамға” ёпиштиришимизнинг сабаби шундадир?! Умуман олганда, “модернист” бўлиш унчалик ҳам ҳақоратли мақом эмас, лекин гап шундаки, бурнининг тагини эмас, адабиётни ўйлаб ёзаётганлар ижодкор “модернист” бўлиши учун ёзмайди, у шунчаки бошқаларга ўхшамаслик, ўзидан олдингиларни такрорламаслик, миллий адабиётимиз янги анъаналар, адабиётшунослар таъбири билан айтганда, “прёмлар” олиб кириш, дунёни қайси шаклда қабул қиласа, бадиий мушоҳадаси қандай бўлса, ўша шаклда баён қилиш учун ёзади. Вазн, қофия ва ҳакоза унсурлар шеърнинг фактат ташқи куриниши, холос. Қофияга мослашган сатрлар йифиндиси шеър бўлиб қолмайди. Демак, шеър бўлиши учун яна бошқа нарсалар керак. Ҳеч қурса, янги ташбех ва янги мажоз керак” Кўринадики, шеърни анъанадан – ноанъанага ўтиш тадрижи XX аср бошларида кескин кучайди. Бунга сабаб биринчи жаҳон уруши йилларида жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг кескин изидан чиқиши, руҳий эврилишлар, одамларнинг эртанги кунга ишончининг сўниши мана шу масалаларни жиддий тус олишига, санъатнинг ривожланишига, модерн адабиётнинг вуждуга келишига катта имкон берди:

Теварагим дўзах, беҳишт, аърофларнинг шубҳаси,

Шу чигалларни ечишга бунда Оллоҳ истадим.

Жадид шоири Чўлпоннинг нақадар аччиқ қисмати! Буюк шоирнинг умр бўйи талпинган идеаллари. Сотқинлар, хоинлар ва разил кимсаларнинг берган озорлари эвазига юзлаб зиёлилиаримиз ҳисбларга олинди. Бегуноҳ ҳалқ душмани дея, қатл қилинди. Уларнинг ёзган китоблари ёқиб юборилди. Ҳаётнинг бир ёруғ кунларини исташлик негизида шаклланган мана шу шеър табиатига эътибор берсангиз ҳамма масала ойдинлашади. Шуни қайд этиш лозимки, ҳар бир инсон мана шу эътиқодига содик қолган ҳолда яшashi керак. Чўлпон ана шу баландликни қўмсади. Халқни эркин ва фаравон турмушини истади. Ватанинни севишни, озодлик ва ҳурликни куйлаб, миллий ғурур илиа авлодларга бебаҳо хазина қолдириди. Айни шу жараёнда Чўлпоннинг хизматлари нақадар улуғ эканлигини кўрсатиш мумкин. Проф О.Шарафиддинов қайд этишича: “Расмий доиралар Чўлпондан шу даража қўрқканларки, унинг ижодини жуда-жуда синчиклаб кузатиб борганлар. 30-йилларнинг бошларида Тошкентда ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси иш олиб бораради. Ўша кезларда унинг тепасида Зелинсий деган одам турган. Баъзи маълумотларга қараганда Чўлпоннинг матбуотда босилган ва ҳатто босилмаган ҳар бир асари рус тилига таржима қилиниб, Зелинскийнинг қўлига етказилар экан. Шундай шароитда Чўлпон теварагидаги

ҳақоратлар оқими жиндай сусайиб қолса расмий доираларга яқин бирор одам йўл кўрсатувчи бирон мақола билан чиқар эди-да, бу-йиқит ўйинини янгидан авж олдиришга фатво бўларди. Фикримнинг далили учун битта мисол келтираман. 1931 йилнинг 15 январь куни “Правда востока” газетасида М.И.Шевердиннинг “Ўзбек йўқсил адабиётининг ilk катта асари” деган мақоласи эълон қилинади. Қизиги шундаки, ўзбек тилини билмайдиган, ўзбек адабиётидан йироқ турадиган бу одам ўзбеклардан чиқсан ҳақиқий истеъдод эгаларини қоралаб, ерга уриб, уларга истеъдодсиз адилларни қарама-қарши қўйишни, уларнинг хом-хатала, тутуруқсиз асарларини кўкларга кўтаришни, касб қилиб олган”. Мана шу манбадан билиш мумкинки, Чўлпоннинг ижтимоий-сиёсий сахнада қандай хунрезликлар билан кутиб олинишини. У хаётини хавф остига кўйиб, Ватан учун жонини фидо қилмоқда. Унинг тафаккуридан, истеъдодидан шу қадар чўчишмоқда. Юқоридаги мисраларда ҳам шу акс этган. Атрофимда қандай дўзахийлар юрибди. Уларни чигалликларидан Аллоҳни истаяпман деб, ҳаётий иқорини келтирмоқда. Мана шу фикр-мулоҳазаларнинг ўзиёқ бизга катта ибрат бўлиши тайин. “Интеллект – рухни ўстирувчи озуқадир. Катта истеъдод рухнинг, рух эса шеъриятнинг асл моҳиятини таъминлайди. Рух ўсган сайин олий ҳақиқатга – Оллоҳга яқинлашиб боради. Шунинг учун ҳам, катта истеъдод шеърларида борлиқ ва йўқликни, чексизликни, ўлим ва ҳаётни ҳис қилиш туйғуси юксакликларда кечади. Ижодий жараён даврида у бошқалар сезмаган оламни кашф этади. Фақат унинг олами ҳар қандай оламдан баланд. Дарҳақиқат, Оллоҳ ва оламнинг энг буюк, энг юксак, энг баланд, энг қудратли, энг.., энг.... энг... эканлигини фақат шоирларгина англайди” . Чўлпон шеъриятининг мавзу-мундарижаси ҳам ана шу тадрижда давом этди. Ундаги эътиқодга садоқат, иймон ва амал бир бўлиб, ўзининг бутун ҳаётий концепциясини белгилаб берди. Демак, инсоннинг маънавий-рухий даражаси ва унинг интилишлари ҳамиша ўз олдига қўйган мақсадларига етиштирмай қўймайди. Ҳаётнинг пасту баландини унинг ўзига хослигини, шеърият билан бирга ёнма-ён қўйиб тасвирлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Мана шу жараёнда шоирлари катта изланишларни олиб борганлар. Рауф Парфи каби санъаткорлар ҳам ўзининг соғлом эътиқодига бир умр содик қолган. Бу содиклик унинг ўлмас шеърлар ёзишга етаклади. Шоир доим ўзининг талпинган иедалларини куйлади. Биз унинг учун шоирга катта умид билан боқсан эркин кўзларига кўплаб саволлар бергимиз келади. У умри давомида ҳам шахс, ҳам шоир бўлиб ўтди. Жаҳон адабиётидан қилган тажрибалар, ўзимизнинг мумтоз адабиётдан олган адабий таъсирлар Рауф Парфи феноменини белгилаб берди. Рауф Парфи ҳамиша ўзининг шахсиятига ва ижодига содик қолиб яшади.



Адабиётшунос Р.Раҳмат эътирофича: “Рауф Парфи юксак орзу йўлларида одамнинг бошидан кечирган жуда кўп ва хилма-хил воқеалар самараси ўлароқ рухда уйғонадиган мураккаб ҳолатларни бежирим чизиги орқали сувратлай олади. Агар гилос тизимидаи қўркимли бу сувратда жаннат аксланганди эса, унинг роҳат-фароғатини ҳис этиш учундўзах азобини эслашга мажбур бўламиз. Умуман, шеърият шундай бир тенгсиз сеҳрки, у билан юракдан тиллашган маҳал умрининг аллақаси дамларини ғалати жунун ичра эслаймиз ва хулосалаймиз. Рауф Парфи сўзининг уч асосий сифатидан унумли фойдаланади. Сўз-оҳанг, мазмун ва манзаранинг мукаммал уйғунлиги. Истеъодли шоирнинг шеърларида сўзнинг бу сифатлари, бир қарасангиз, якка ҳолда, яна бир қарасангиз, бирлашиб ўз жозибалари билан кўзингизни яшнатади”. Дарҳақиқат, Р.Раҳмат таъкидларида айни ҳақиқат мавжуд. У Рауф Парфи ижодиётини чуқур ўрганган олимлардан биридир. Рауф Парфи сўз-оҳанг-мазмун борасида катта бир полотно яратади. Унинг ҳар бир ёзган шеърида табиий бир тасвирлар симфониясини кўрамиз. Айни пайтда, шеърида мусиқий товланишлар билан бир қаторда катта умумлашма ҳам ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам битта нарсани ёдда тутмоқ жоиз. Рауф Парфи ана шу баландликни топди. Чўлпон билан шу қадар руҳияти ва шеърияти яқинки, эркка ташналиқ билан ёниб куйиб ижод қилди. Рауф Парфи ижодининг асосий кредоси ҳам аслида мана шу ерда қўринади.

Модерн шеърият ўзбек адабиётида Аҳмад Яссавийдан то бугунга қадар давом этиб келмоқда. Навоий уни янада ривожлантириди. Машраб такомиллаштириди. Чўлпон шаклни ўзгартириди. Рауф Парфи пейзажга буркади. Шавкат Раҳмон фалсафага уйғуналаштириди. Қолган шоирлар ҳам шу зайлда иш қўрди. Демак, айни шу шеърларда катта бир ҳикматни туйиш мумкин.

Адабиётлар

1. Жаҳон адиллари адабиёт ҳақида.–Т.: Маънавият. 2010. –Б.367.
2. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т., F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. –Б.94
3. Новоий А.Лисон ут-тайр. Т.: Ғофур Ғулом нашриёти-2005.7 6
4. Бобур. Девон. –Т.: Фан. –Б.76.
5. Курси – Аршнинг иккинчи номи, етти қават осмондан ташқари,
6. Машраб. Агар ошиқлигим айтсам. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2013 .–Б.110.
7. Назар Эшонқул. Ижод фалсафаси. Т.: Академнашр. 2018.212 б
8. Чўлпон. Танланган асарлар 1 жилд. Т.: Академнашр. 2013.310.б
9. Шарафидинов О. Танланган асарлар. –Т.: “Шарқ. 2019. –Б.328.
10. Сувонова Ж. Усмон Азим шеъриятида бадиий тафаккур. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012, 4-бет.
11. Раҳимжон Раҳмат. Жаннат соғинчи. –Т., Академнашр. 2013. –Б. 13.